XVIII АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ЯҲУДИЙ ЖАМОАЛАРИ ДИНИЙ ИЕРАРХИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ

THE RELIGIOUS HIERARCHY AND SPIRITUAL LIFE OF JEWISH COMMUNITIES FROM THE EIGHTEENTH TO THE EARLY TWENTIETH CENTURIES

РЕЛИГИОЗНАЯ ИЕРАРХИЯ И ДУХОВНАЯ ЖИЗНЬ ЕВРЕЙСКИХ ОБЩИН В XVIII И НАЧАЛЕ XX ВЕКАХ

Jamolitdin KARIMOV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Head of the Publishing Department of the Imam Maturidi International Scientific Research Center
j.karimov@iiau.uz

DOI: 10.47980/TLOI/2021/1/6

Аннотация: *Яҳудийлар тарихий жараёнда узоқ йўлни босиб ўтдилар. Бу эса кундалик турмуш билан боғлиқ ижтимоий ва моддий маданиятнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Айтиш мумкинки, узоқ давом этган бу жараён турли хил босқинчиликлар ҳамда ўзаро ички низо ва урушларсиз кечмади. Албатта, яҳудийлар ҳам бошқа миллатлар сингари бу жараёнлардан четда қолмади. Бу нарса эса уларни турли шаҳарларга кўчиб ўтиш ва у ерда бирлашиб жамоавий тарзда яшай бошлашга замин яратди.*

Ўртаосиёлик яҳудийларнинг аксар қисми юқори чўққиларга эришди ҳамда савдо-тижоратда катта ўринга эга бўлди. Бунинг яна бир омили сифатида, Ўрта Осиё ҳар доим тараққий этиш, ривожланиш учун "Буюк ипак йўли"дан катта манфаатдор бўлиб турганини ҳам келтириб ўтиш ўринли бўлади.

Ўрганишлар Бухоро шаҳрида яҳудий жамоаси XIX аср ўрталарида анчагина тараққий топган ва ўзининг тартибли бир ташкилот тузилмасига эга бўлганини кўрсатади. Маъмурият бошида "калонтар" номли шахс турган, "Муллойи калон" лақабли бош рабби эса диний масалалар бўйича вакил сифатида хизмат қилган. Вақти-вақти билан бир киши бу иккита вазифани бажариши ҳам кузатилган. Дунёвий ва диний маъмурият бир-бири билан чамбарчас боғланган, аммо автоном тарзда фаолият кўрсатган.

Мақолада минтақада шаклланган бухоро яҳудийларининг ижтимоий-диний бошқарув тизими, "Калонтар", "Муллойи калон", "оқсоқол", "кайвоний" кабиларнинг вазифалари, фаолияти, яҳудийлар ҳаётида тутган ўрни каби масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, бухоро яҳудийларининг таълим тизими, турлари, у ерда дарс берган мутахассислар ҳақидаги маълумотлар ҳам мақоладан ўрин олган.

Мақолага бухоро яҳудийларининг оғзаки ва ёзма манбалари, диний матнлар таржималари жалб қилинган ҳамда бухоро яҳудийларининг саводхонлик даражасини оширишда ўлкан ҳисса қўшган олимларнинг фаолияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *"калонтар", "муллойи калон", галаха, "оқсоқол", "Маҳаллайи кўҳна", "Маҳаллайи нав", "кайвоний", "кошер", "Камла", "халфа", синагога, каббай, "Тавврот", "шхита".*

Annotation: *The Jews have come a long way in the historical process. It had an impact on all aspects of social and material culture related to daily life. Most of the Central Asian Jews reached high peaks and played a significant role in trade. Studies show that the Jewish community in Bukhara was well developed in the middle of the 19th century and had its orderly organizational structure. At the head of the administration was a man named Kalantar, and the chief rabbi, nicknamed Mullai Kalan, served as a representative for religious affairs. It also observed that from time to time, one person performed these two functions. Secular and religious administrations were closely intertwined but operated autonomously.*

The article analyzes the socio-religious structure of Bukharian Jews in the region, the tasks and activities of Kalantar, Mullai Kalan, Aksakal, Kaywani, and their role in the life of Jews. The article also contains information about the education system of Bukharian Jews, types of education, and the specialists who taught there.

The article also includes the analysis of the written and oral literature of the Jews of Bukhara, individually written works, translations of religious texts and, the works of scientists who have made a great contribution to improving the literacy of the Jews of Bukhara.

Keywords: *"Kalantar", "Mulla-i kalan", "galaha", "Aksakal", "Mahalla-i kohna", "Mahalla-i naw", "Kaywani", "kosher", "Kamla", "khalfa", "kabbai", "Torah".*

Аннотация: *Евреи прошли долгий путь в историческом процессе. Это повлияло на все аспекты социальной и материальной культуры, связанные с их повседневной жизнью. Большинство евреев Центральной Азии достигли определенных высот в своем положении в обществе и сыграли важную роль в торговле.*

Исследования показывают, что еврейская община в Бухаре была хорошо развита в середине XIX века и имела свою упорядоченную организационную структуру. Во главе организации стоял человек, который назывался «калантар», а главный раввин по прозвищу «муллайи калон» выполнял функции представителя по делам религии. Отмечен факт того, что время от времени один человек мог осуществлять эти две функции. Светские и религиозные администрации были тесно переплетены, но действовали автономно.

В статье анализируется социально-религиозное устройство бухарских евреев в регионе, задачи и

деятельность «калантар», «муллайи калон», «аксакал», «кайвоний» и их роль в жизни евреев. В статье также содержится информация о системе образования бухарских евреев, разрядах специалистов, которые занимались преподавательской деятельностью.

В статье также привлечена к анализу письменная и устная литература евреев Бухары, отдельные произведения, переводы религиозных текстов, работы ученых, которые внесли большой вклад в повышение грамотности евреев Бухары.

Ключевые слова: *«калантар», «муллайи калон», галаха, «аксакал», «Махаллйи кухна» (Древний квартал), «Махаллаи Нау» (Новый Квартал), «кайвони», синагога, каббай, «Тора».*

КИРИШ

Яҳудий маҳаллалари Ўрта Осиёдаги кўплаб шаҳарларнинг ажралмас қисмини ташкил қилган. Бу ҳолат бухоро яҳудийлари таркиб топган Ўзбекистон ва Тожикистонда, шунингдек, яҳудийлар истиқомат қиладиган бошқа минтақаларда ҳам кузатилган. Бухоро ва Самарқанддан ташқари, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Кармана, Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳридаги яҳудий оилалар ҳозиргача мавжудлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўрта Осиёда Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган [Mukhamedov N., 2020 : 205].

Қадим замондан юртимиз заминида ислом билан бошқа динлар, маданиятлар ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди. Булар қаторига Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги энг қадимий миллатлардан бири яҳудийларни ҳам киритиш ўринлидир. Яҳудийлар оғир тарихий жараёнда узоқ йўлни босиб ўтдилар. [Mukhamedov N., 2015 : 119].

Тарихий жараёнда зичлиги ва миллийлиги билан бир турга мансуб яҳудий маҳаллалардаги ҳаёт барча оилаларнинг бир-бирига ёрдамчи ва биргаликда ҳамкорлик қилишларини таъминлаган. Айни пайтда, бу каби жойлашув тарзи диний анъаналарнинг сақланиб қолишида ҳам муҳим ўрин тутган.

Синагогалар яҳудий маҳалласининг марказида жойлашган бўлиб, яҳудий жамоасида алоҳида аҳамият касб этган ҳамда уларнинг ижтимоий ва диний ҳаётида муҳим вазифаларни бажарган. Бухоро шаҳрида аниқланган XIX асрдаги бухоро яҳудий жамоасининг диний тузилмаси унинг ўтмишдаги тарихи ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этади. Қўлга киритилган маълумотлар бошқа шаҳар ва ҳудудларда ҳам худди шундай тузилманинг мавжуд бўлганига далолат қилади.

Яҳудий жамоалари диний иерархияси

Ўрганишлар Бухоро шаҳрида яҳудий жамоаси XIX аср ўрталарида анчагина тараққий топган ва ўзининг тартибли бир ташкилот тузилмасига эга бўлганини кўрсатади. Маъмурият бошида “калонтар” номли шахс турган, “муллойи калон” лақабли бош рабби эса диний масалалар бўйича вакил сифатида хизмат қилган. Вақти-вақти билан бир киши бу икки вазифани бажариши ҳам кузатилган. Дунёвий ва диний маъмурият бир-бири билан чамбарчас боғланган, аммо автоном тарзда фаолият олиб борган.

“Калонтар” деб номланган раҳбар бухоро яҳудийлари жамоасининг барча вояга етган эркак аъзолари томонидан сайланган. Унинг ишга тайинланиши эса юқори лавозимли амалдорларнинг қўлида бўлган. Сайланган кишини Бухоро амирлигида Қушбеги маъқуллаши керак бўлган. Қушбеги томонидан “калонтар” номзоди маъқул кўрилгач, Амирнинг буйруғи билан бир ёрлиқ воситасида тасдиқланган [Amitin-Shapiro Z (A): 12-13].

“Калонтар” ҳукумат наздида жамоанинг вакили бўлиб, ўз жамоаси учун жавобгар ҳисобланган. У жамият ва давлат ўртасида воситачилик ролини бажарган дейиш мумкин. Унинг жамоадаги вазифаларидан бири яҳудийларнинг диний қонунларига (галаха) мурожаат қилишни талаб қилмайдиган даъво ҳолатларида соғлом фикр ва урфга асосланган ҳолда қозилик қилиш бўлган. “Калонтар” урфга ва яҳудий қонунлари асосида кўрилиши керак бўлган масалаларни “муллойи калон” билан бирга кўриб чиққан. Расман маошга эга бўлмаса-да, кўпинча даъвогарлар унга хизмат учун маълум ҳақ тўлаганлар.

Унга ўзбек ва бошқа туркий халқларда бўлган «оқсоқол» сингари икки «оқсоқол» ёрдам берган. Икки “оқсоқол” ҳам тенг мавқега эга бўлиб, улардан бири Бухоронинг “Маҳаллайи кўҳна” (Эски маҳалла) деб номланган яҳудий маҳалласининг раҳбари бўлса, иккинчиси эса “Маҳаллайи нав” (Янги маҳалла) ва Амирабод маҳалласидаги яҳудийларнинг вакили саналган. Оқсоқоллар вояга етган эркаклар томонидан танланиши ва бу танлов ҳукумат томонидан маъқулланиши керак эди. Улар ҳам расмий ҳокимият вакиллари ва кўпчилик сайловчиларнинг қаршилиги бўлмаган тақдирда умр бўйи шу вазифада қолган. Оқсоқолларнинг асосий вазифаси ўз маҳаллаларидаги кундалик ҳаётнинг тинч ва осойишталигини таъминлаш

эди. Улар ҳам “калонтар” каби фақатгина оддий ва кам аҳамиятли вазиятларда ҳакам сифатида роль ўйнашлари мумкин бўлган. Уларга ҳам расман маош тайинланмагани сабабли, даъвогарлар хизматлари учун маълум ҳақ тўлаганлар[Durmus A., 225].

Яҳудий жамоасининг сайланган дунёвий раҳбари “калонтар” аввалдан судя ва яҳудий бўлмаган расмийлар наздида жамоанинг вакили сифатида хизмат қилган. У аввало, яҳудий жамоасининг диний лидери бўлиб хизмат қилиш баробарида, синагога ва яҳудий маҳалласининг автономлигини назорат қилган. Унинг бош вазифаси жамоанинг мавжудлигини сақлаб қолиш, унинг бардавомлигини таъминлайдиган масалаларда илдамлик кўрсатиш ва бунинг учун зарурий ишларни амалга ошириш керак бўлган [Durmus A., 226].

Ҳар бир маҳалла аёлларининг бошида сайлов йўли билан ишбошиликка тайинланган *“кайвоний”* номли аёл турган. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган:

– аёллар орасида юзага чиққан низоларни бартараф қилиш;

– тўй маросимларининг аёллар билан боғлиқ қисмларини ташкиллаштириш;

– турмуш қуриш билан боғлиқ масалаларда келинларга тушунча ва тавсиялар бериш;

– аза маросимларида йиғичиларнинг ишларини ташкиллаштириш [Zand M., 535].

Диний соҳада “муллойи калон” энг юқори лавозим бўлган. Унинг хизмат доирасига “галаха” билан боғлиқ масалалар кирган. Диний ҳуқуққа оид барча даъво ишларида ҳукм чиқарувчи ўлароқ “муллойи калон” иш юритар эди. Бунга ўхшаш даъволарда фақатгина унинг сўзи ўтган. У айни пайтда диний маҳкама (бет-дин)нинг раҳбари сифатида бу каби даъволарни кўриб чиққан. Урф ва яҳудий диний ҳуқуқига оид даъволарда қарор бериш учун “Муллойи калон” калонтар билан кенгашиб, ҳукм чиқарган [Amitin-Shapiro Z (A)., 13]**.**

Бухоро шаҳридаги барча яҳудийларнинг диний қонунларга кўра “кошер”[1] қоидаларини бажариб-бажармаётгани борасида бош назоратчи сифатида “муллойи калон” фаолият юритган. У, айни пайтда, диний қонунларга кўра ҳайвон сўйиш иши (шоҳатим-шоҳат), сўйилган ҳайвонларни диний қоидаларга мувофиқ тозаловчилар (бодгим-бодег) ва бу ҳар икки ишни бажарувчилар (шуб) ни назорат қилиб турган. “Муллойи калон” Бухоро шаҳридаги яҳудий диний семинарияси (иешива) мудири ва иешиванинг биринчи рақамли муаллими ҳам ҳисобланган. Иешиванинг қуйи қисмини тамомлаганларни диний қоидаларга мувофиқ ҳайвон сўювчи қассоб (шоҳатим)ликка ҳамда иешиванинг юқори босқичини тамомлаганларни эса “моллаян” (рабби) деб тайинлаш вазифаси ҳам “муллойи калон” томонидан амалга оширилган [Durmus A., 226].

Юқоридагилар билан бир қаторда, “муллойи калон” ўн уч ёшга тўлган болалар давом эттирадиган илк таълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёнларини ҳам ўз назорати остига олган. У “Канисайи калон” номли марказий синагоганинг раббиси ҳисобланиб, Бухоронинг бошқа барча синагогаларидаги раббилар фаолиятини ҳам назорат қилган. Унинг ёнида бухоро яҳудийларининг еттита диний ходими бўлган. Улар ҳам бухоро яҳудийларининг бошқа синагогаларида раббилик вазифасини бажарган. Синагоганинг бош раҳбари вазифасидаги шахс айни пайтда синагога мактаби “камла”нинг мудири ҳисобланган. “Камла”нинг асосий муаллими “халфа” бўлган. Айни пайтда ҳар бир синагоганинг “каббай” номини олган, сайланган бошқарувчиси ҳам бўлиб, унинг бошқарув иши билан бирга баъзи жавобгарликлари бор эди. Жумладан, синагога аъзолари ва меҳмонларни “Таврот” ўқишга даъват қилиш, “Муқаддас Арк”ни очиш ва бошқа шу каби шарафли вазифалар бериш, синагоганинг муҳтож аъзолари учун Песахдан аввал ва совуқ тушишидан аввал йилда икки марта пул ёрдами кўрсатишларни келтириш мумкин. Бухоро шаҳридаги “калонтар” ва “муллойи калон” Бухоро амирлигидаги барча яҳудийларнинг раҳбарлари сифатида қабул қилинган [Kalontarov Ya., 614].

1920 йилда Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил қилингандан сўнг анъанавий яҳудий жамоат тузилмаси йўқолиб борган ва Ички Ишлар Вазирлиги таркибида Яҳудий Комитети иш бошлаган [Zand M., 538]. Шунга қарамай, бухоро яҳудийлари ўз ораларида анъанавий ижтимоий бошқарув ва назорат механизмини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар.

Бухоро яҳудийларининг таълим тизими

Шу ўринда бухоро яҳудийларининг диний таълим тизими ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бухоро яҳудийларининг диний таълим тизими Чор Россияси томонидан минтақани босиб олинишидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Мусулмон ҳукмдорлар уларнинг фаолиятига аралашмаган. Дарслар синагогада амалга оширилган. Болалар “халфа” (устоз)нинг атрофида ўтирганлар ва диний матнларни ўқиб, уларни ёдлаганлар. Аксар ҳолларда ўқилган матнларнинг маъноси тушунтирилмаган. Бунинг сабаби сифатида “халфа”нинг ўзи ҳам, фақатгина, иврит тилида ўқишни билган, холос. XIX аср охирига қадар “халфалар”нинг ойлик маоши кам бўлгани сабабли, улар таълим бериш билан бир қаторда бирор-бир

[1] Кашрут (ашкеназларда «кашрус») – яҳудийлик таълимотига кўра, истеъмолга яроқли ёки рухсат этилган нарсага нисбатан ишлатилади.

ҳунар билан ҳам шуғулланганлар. Болалар мазкур мактабларга тўрт-беш ёшларидан то “бар-мицва”[2] ёшига етгунга қадар қатнаганлар [Kaganovitch A (B)., 202-213].

Аксар тадқиқотлар ва сайёҳлар бухоро яҳудийларининг диний билим даражаси юқори бўлмаганини таъкидлаганлар. Жумладан, яҳудий сайёҳ Нахум Леви Ицхак Абрек 1887 йилда бухоро яҳудийларини бориб кўргандан сўнг, “Гайом” газетасига берган интервьюсида бухоро яҳудийларининг кўп қисми иврит тилида ўқишни билмасликлари, болаларни ўқитиш эса, паст даражада эканини қайд этган [Kaganovitch A (A)., 347].

1860 йиллардан эътиборан бухоро яҳудийларининг айримлари рус губерниясининг ғарбий қисмига ўқишга борганлар. Слушнинг маълумотларига кўра, аср охирига қадар у ерда ўнлаб бухоро яҳудийлари таҳсил олган [Slousch N., 412-413]. Кейинчалик эса таълим олиш учун Фаластинга бориш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Дастлабки бухоро яҳудийси диний таълим ҳамда “шхита” қоидаларини ўрганиш учун Цфадга 1858 йилда келган бўлсада, ўқувчилар катта қисмининг у ерга бориши 1890 йилдан бошланган.

Темир йўлларнинг қурилиши бухоро яҳудийларининг ҳам савдо ишларида кенг имкониятлар яратиб, иқтисодий жиҳатдан ҳолатларини яхшилашга олиб келди. Европа ва Фаластинга саёҳат қилган бухоро яҳудийлари у ерларда бошқа яҳудий жамоалари томонидан таълимга бўлган эътиборни кўриб, минтақада ҳам хедерлар учун алоҳида жой ажратиб, у ерга Фаластин ва Россиядан ўқитувчиларни таклиф қилганлар. Натижада, ўз фаолиятини давом эттирган эски хедерлар билан бир қаторда, янги хедерлар юзага келди. Диний адабиётларни ўрганиш кўлами ҳам кенгайиб, ўқувчилар нафақат, “Таврот” ва ибодатларни юритишни балки, “Талмуд”ни ҳам ўргана бошлаганлар [Godes Ya., 33-34].

XIX аср охирига келиб Туркистон ўлкасидаги бухоро яҳудийлари фарзандлари диний, дунёвий-диний, дунёвий ҳамда мактабдан ташқари (уйда) каби тўрт хил таълим системасида таҳсил олганлар [Kaganovitch A (A)., 351].

Бухоро яҳудийларининг хедерлари ўлканинг нафақат йирик шаҳарларида, балки, Каттақўрғон, Андижон, Наманган, Эски Марғилон, Чиноз каби кичик шаҳарларда ҳам фаолият олиб бораганини кўриш мумкин [Uzbekiston MDA.F.19., 138, 140, 142]. Туркистоннинг йирик шаҳарларида бой бухоро яҳудийлари хедерга Фаластинда таҳсил олган ўқитувчиларни жалб қилишга ҳаракат қилган бўлсалар, юқорида зикр қилинган кичик шаҳарларда эса Бухорода таълим олган ўқитувчилар таклиф қилинган [Uzbekiston MDA. F17., 1-4]. 1894 йилда минтақада 22 та хедер рўйхатга олинган бўлиб, унда жами 603 нафар, 1911 йилга келиб 984 нафар ўғил бола, 94 нафар қиз болалар таълим олган [Amitin-Shapiro Z (B)., 57].

Бухоро яҳудийларида мактабдан ташқари, уй таълими ҳам бўлган. Мазкур таълим тизими бухоро яҳудийларининг барча қатламларида амал қилган. Ота-оналар, ака ва опалар, қариндошлар кичик ёшдагиларни уйда ҳам ўқитганлар. Бой хонадонларда ота-оналар ўқитувчиларни ёллаганлар [Kaganovitch A (A)., 369].

Маънавий ҳаёт

Қайд этиш лозимки, Ўрта Осиё яҳудийлари маданияти форс ва тожик маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Яҳудий халқи маданий тараққиёт даврини тушуниш ва унга ҳаққона баҳо бериш учун дастлаб, Эрон шимол тарафдан Россия босқинчилари томонидан бўлиб олиниши, кейинчалик, коммунистик тузумнинг ўрнатилишига қадар Эрон ва Ўрта Осиё таҳминан 2,5 минг йил давомида ўзаро ягона минтақада жойлашганини ҳам инобатга олиш зарур. Моддий маданият, урф-одат ва халқ ижодиёти жуда ҳам яқин, ҳаттоки, баъзи ўринларда ажратишнинг имкони йўқ.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, яҳудийларнинг маданий фаолияти борасида хабар берувчи илк манба бу Соломон бен-Самуилнинг луғати ҳисобланади. Ушбу китоб 1338 йилда Гурган (Жўржон)да, таҳминан Бухоронинг жанубий қисми билан туташ жойда, ёзиб тугатилган. Мазкур китоб асносида Амударё бўйларида жойлашган минтақанинг интеллектуал даражасини баҳо беришда олинадиган хулосалар, Бухорога ҳам тааллуқли ҳисобланади, десак хато бўлмайди.

Форс-яҳудийлардан жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган етук шахслар етишиб чиққан. Улардан Хиви ал-Балхийни келтириб ўтиш мумкин. У Библиянинг илоҳийлигини инкор қилувчи 200 дан ортиқ эътироз ёзган. Балхийнинг қарашлари катта қизиқиш билан ўрганилган ҳамда яҳудий танқидий қарашларини ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Таассуфки, бошқа муаллифларнинг ижодларидан фақат баъзи намуналаргина сақланиб қолган [Yevreyskaya-ensiklopedia. T.5. 618].

Ўртаосиёлик яҳудийлар адабиёти XIX асрга қадар форсийда ижод қилган форсийзабон арбобларнинг ижоди билан узвий боғлиқ. Жумладан, яҳудийликнинг йирик олими Шохин Шерозийни келтириш мумкин (XIII аср охири – XIV аср боши).

[2] Бар-мицва (бат-мицва – қиз болаларга нисбатан) – яҳудийлик таълимотига кўра, диний жиҳатдан балоғат ёшига етган ўғил ёки қиз болага нисбатан қўлланилади.

У 5 жилддан иборат Тавротни форсий тилдаги таржимаси бўлмиш “Шохин Торо” асарини ёзган (иброния ҳарфларда). У йирик яҳудий-форс шоири ҳамда асосчиси сифатида эътироф этилади. Шу билан бир қаторда, Шохини Библияда келган эпик қаҳрамонлар юзасидан ҳам қатор достонлар таълиф қилган. Илк шундай поэмаларнинг энг йириги сифатида “Мусономэ”ни келтириб ўтиш мумкин [Gitlin S., 61].

Ўртаосиёлик яҳудийлар диаспорадаги бошқа жамоалар сингари ўша вақтда ҳукмрон бўлган тилда сўзлашганлар ҳамда сўзсиз уларнинг адабиёти ҳам шу тилда олиб борилган. Қадимда ҳам, ўрта асрларда ҳам яҳудийлар яҳудий файласуфлари, шоирлари нафақат қадимги иброния тилида, балки, ўзлари истиқомат қилган ҳудудда қайси тил бўлса, ўшанда ҳам ижод қилганлар. Масалан, Иегуда Галеви ва Маймонид (РАМБАМ)лар араб тилида, Абохав португалчада, Кардозо испанчада, Балтазар Оробио де Кастро лотинчада, М.Мендельсон немис тилида ёзганлар. Шундай экан, яҳудий тилидан бошқа тилда таълиф қилинган бу каби асарлар ҳам яҳудий халқининг миллий маънавий меросига қўшсак хато бўлмайди.

XVI асрдан бошлаб то XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё маданий ҳаёти турли урушлар ва босқинлар натижасида орқага қайтиб борди. Ўзаро ички зиддиятлар, айниқса, турк-муғул босқини XVIII аср бошларига қадар Марказий Осиё иқтисодий ва маданий ҳаётида ўз изини қолдирди.

Яҳудий-форс адабиёти янги мактабининг ёрқин намоёндалари сифатида “Шахзода ва суфий” ҳамда “Ханука-наме” (Ханука ҳақида китоб) каби асарлар муаллифи Элиша бен Шмуэль Роғиб Самарқандий, “Антиохус-наме” (Антиох китоби) достони муаллифи Юсуф бен Исҳоқ Бухорийни эсга олиш ўринли бўлади.

XVII аср охири XVIII асрнинг биринчи ярмида яшаган ва ижод қилган Иосифни, яҳудий бўлмаганлар орасида яҳудий Юсуф номи билан машҳур, ҳам зикр қилиб ўтиш ўринли. У 1688 йилда ёзиб тугатган “Етти ака-ука” асари ҳалихануз ўртаосиёлик яҳудийлар орасида машҳур ва севиб ўқилади. У ва унинг дўстлари бўлмиш – Ўзбек, Элиша, Соломонлар жамоавий тарзда “муллолар” деб аталганлар. Улар форс шеъриятини чуқур ўрганиб, яҳудийликдаги мавжуд сюжетларни форс поэмаларини ишлаб чиққанлар. Уларнинг шеърлари иброния ҳарфлар орқали ифодаланган. Шунингдек, улар мазкур ёзувга форс классик адабиётининг йирик намоёндалари бўлмиш Низомий, Ҳофизларнинг шеърларини транскрипция қилиб ўртаосиёлик яҳудийларга етказганлар [Yevreyskaya-ensiklopedia. T.5., 119-120].

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, адабиёт соҳасида олиб борилган ишларнинг ҳосилидан фақатгина тор доира вакиллари, аниқроғи, ёзиш ва ўқишни билган тоифагина баҳраманд бўлган. Ўртаосиёлик яҳудийларнинг кўп қисми эса ватандошларининг ёзган асарларидан бебаҳра эдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, айнан мана шу сабабли ўртаосиёлик яҳудийларнинг адабиёти узоқ йиллар давомида фольклор (халқ оғзаки ижоди) характер касб этган [Datxaev Yu., 110-111].

Ўртаосиёлик яҳудийлар ҳаётида унинг қадимги ва ундан кейинги маданиятининг асосий қисми бўлмиш дин алоҳида ўрин тутади. Минтақада узоқ тарихий жараёнларда кўплаб дин вакиллари бағрикенглик асосида истиқомат қилганларини кўриш мумкин.

Ўрта Осиёдаги яҳудийлар ҳаётида таҳминан 1793 йилда Иерусалим ва Бағдод орқали асл ватани Тетуандан бўлган Юсуф бен Мусо Маймоннинг келиши муҳим аҳамият касб этди. Бухоро ва бухоро яҳудийлари тарихига оид янги нашрларни кузатар эканмиз, Маймон ҳақида маълумотлар учрамайди. Зеро, у яҳудийларнинг бир бўлаги бўлмиш ўртаосиёлик яҳудийлар ҳаётини тубдан ўзгартира олди. Р.Рабич фикрига кўра, Маймонга нисбатан бундай адолатсизлик билан ёндашишнинг икки сабаби бўлиши мумкин: биринчидан, умуман олганда ўртаосиёлик яҳудийлар ҳақидаги тарихий манбаларнинг камлиги бўлса, иккинчи томондан яҳудийларнинг янги тарихида европацентризмнинг таъсирида бўлиши мумкин. Гаскала (яҳудийлар маърифатининг ошиши)нинг бошланиши билан йироқдаги жамоаларга нисбатан Европанинг зиёли яҳудийлар қатламининг муносабати ўзгарган.

Юсуф Маймоннинг Бухорода олиб борган фаолиятини ўрганар эканмиз, у ҳам диний ҳам дунёвий илмларни чуқур ўзлаштирганини кўриш мумкин. Халқаро савдо йўлларининг кўчиши, узлуксиз давом этган ўзаро урушлар таъсирида Ўрта Осиёда орқага кетиш, қолаверса, ташқи оламдан ўзини изоляция қилиш бухоро яҳудийлари ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Юсуф Маймон Бухорода кўрган ҳолатидан сўнг, унинг Бағдодда эшитганлари чиройли бир эртак бўлиб туюлди. Бухоро яҳудийлари жамоаси танг ҳолатда эди [Gitlin S., 64].

Бухоро жамоасининг ҳолатини ўргангач, Юсуф Маймон “шадар” миссиясидан воз кечиб, эътиқоддошларининг маънавий ва диний ҳолатини оширишга ўзини бағишлайди. Зиёли, бир сўзли, ҳудожўй инсон тезда бухоро яҳудийларининг ҳурматига сазовор бўлади ҳамда кўп ўтмай уларнинг

раввинига айланди. Халқ орасида уни “мулла Юсуф Маман Мағрибий” деб аташар эди [Gitlin S., 65].

XVIII аср охирида Бухородаги сиёсий ҳолат қайсидур маънода Маймоннинг режаларини амалга оширишга имкон яратди. Амир Шоҳ Мурод (1785-1800) даврида мамлакат феодал тортишув ва низолардан марказлашган ҳолатга ўта бошлади. Суд масалаларига оид, деспот режимини камайтирувчи бир қатор реформалар амалга оширилди. Айтиш жоизки, бу ислоҳотларнинг аксари мусулмонларга тааллуқли эди. Амир ва унинг амалдорлари Маймоннинг фаолиятига кўз қири билан қараб, у Бухорога келгач олиб борган ишларини кўриб, унга тегишмади.

Маймон шадарлик вазифасини бажариб юрган вақтида турли ўлкалардаги яҳудий жамоалари билан боғлаган алоқалари энди унга қўл кела бошлади. Бағдод ва Канстантинополдан “Таврот” ва бошқа китоблар келтирилади. Қисқа муддат ичида барча болалар, асосан ўғил болаларни қамраб олган мактаблар ташкил қилинади.

Маймон бухоро яҳудийларининг саводини ошириш юзасидан бошлаган иши бошқа жамиятлардан ажралган ҳолда амалга ошмаслигини яхши билар эди. Бунинг реал ечими фақат Бухоро билан савдо ва дипломатик алоқаларни боғлаб турган ягона европа давлати Россия билан алоқаларни ўрнатиш эди. Маймон рус яҳудийлари билан бевосита ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга киришади. Унинг ташаббуси билан ўртаосиёлик Казал Гаралик Бениамин Сет исмли шахс 1802 йилнинг баҳорида шкловлик яҳудий жамоасига қадимги иброний тилида нома йўллаб, улардан Россияда яҳудийларга муносабат ҳақида сўрайди. Бухоролик савдогарларнинг айтишига қараганда у ерда яҳудийлар сиқув остида экани тўғрисида хабарлар борлиги ҳақида айтади. Шу сабабли улар рус ерларига боришса, уларга нисбатан ёмон муносабатда бўладими ёки йўқлиги тўғрисида маълумот беришни илтимос қилади. Олис Бухоро шаҳридан айнан шклов жамоасига мурожаат қилиниши бежиз эмас эди. Чунки, XVIII аср ҳамда XIX аср бошларида Шклов литва-белорус яҳудий жамоаларининг маданий ривожланган шаҳарларидан бири бўлган. Тўғри, Польшанинг биринчи бўлиниши (1772 йил) ва Россия таркибига кириши дастлаб яҳудийларга бир қанча ноқулайликлар тўғдирган. Бироқ жамоа шунга қарамасдан яна бир қанча муддат ривожланишда давом этади. У ерда нафақат диний билимлар, балки дунёвий илмлар ҳам ривожланган эди.

Биняминнинг хати 1801 йил 9 июнда жунатилган бўлса, орадан бир ярим йил ўтгач 1802 йил декабрь ойида жавоб келади. Хатни Илья исмли зиёли, маърифат соҳаси вакили жунатади. Беняминнинг номаси юзаки, қуруқ, саёз ёзилган бўлса, Ильянинг жавоб хатига келсак, у асосий эътиборни тарих ва маданиятга қаратади. Беняминнинг номасидаги: “Сиз агар қадимги иврит тилини билмасангиз, иврит ҳарфларида рус тилида ёзсангиз ҳам бўлади” деган жумлалар Ильяни бир томондан ажаблантирса, бошқа тарафдан ранжитган. У Биньяминга муносиб тарзда жавоб қилади: “Биласизми, кичигимиздан тортиб то каттамизгача ота-бобларимиздан қандай қабул қилиб олган бўлсак шундай ҳолатда, ҳеч қандай ўзгаришларсиз, ўзимизнинг муқаддас тилимизда Тавротнинг асл нусхасини ўрганамиз..., бироқ биз сизга тушуниши осон бўлган енгил тилда ёзишга қарор қилдик... бизда жуда ҳам кўплаб китоблар мавжуд: “Ёзма Таврот”, “Оғзаки Таврот” шарҳлари билан, бир неча муаллифларнинг Талмудлари, Галаха, Агада, Поским, одоб-ахлоққа оид ва бошқа кўплаб китоблар мавжуд. Агар уларни санасак, вақт етмаслиги аниқ ҳолат. Қолаверса, ўзимизнинг типографиямиз ҳам бўлиб, юқори сифатли китоблар чоп этамиз”. Илья номанинг давомида Бинямин тасаввур қилгандек Шклов ва бутун Шарқий Европадаги яҳудийлар асирликдаги ўнта уруғдан эмас, балки Иегуди ва Вениамин уруғидан келиб чиққанини таъкидлайди. Яна номада диаспоранинг тарихи, алоҳида жамоалар ва улардаги яҳудийларнинг сони, ўша вақтга қадар Ўрта Осиёда ҳали ҳеч ким эшитмаган Ксталия, Арагония, Каталония, Сицилия, Майорка, Сардиния, ва бошқа шу каби географик жойлар ҳақида маълумотлар берилган.

Қайд этиш лозимки, бу нарса замонавий яҳудий билимлари жамланмасининг Ўрта Осиёга илк кириб келиши эди. Нима бўлган тақдирда ҳам Маймон ўзининг муҳим вазифасини бажарди, яъни, яҳудийларни яҳудий дини бағрига қайтарди. Улар барча расм-русум ва маросимларни бажариб, байрамларни нишонлай бошладилар [Rabich R., 90; Amitin-Shapiro Z (A)., 15].

Ўрта Осиёдаги яҳудий жамоаларининг тақдири борасида жонкуярлик кўрсатганлардан яна бири машҳур маърифатпарвар Шимон Хахам (1843-1910)дир. У Таврот ва Талмуд билимдони бўлиш билан бирга, иврит, форсий, араб ҳамда испан тилларини яхши билган. У қадимги маданият ва тилни унутиш хавфи пайдо бўлганини англаб етади. Ш.Хахам мазкур этник жамоанинг маданияти ва тилини сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўлида муҳим ўрин тутган. У ўртаосиёлик яҳудийлар томонидан китоб нашр қилишнинг тамал тошини қўйган. Бухородан Иерусалимга келгач у ерда 1890 йилда бухоро кварталини ташкил этгандан бошлаб то биринчи жаҳон урушига қадар 150 га яқин китоб

нашр қилади. Булар Библия, Мишна ва Мидрашнинг таржималари, дуолар ва календар, турли хил диний адабиётлар, бухоро яҳудий шоирларининг асарлари ва бошқа шу кабилар [Yevreyskaya-ensiklopedia. 1910. T.5., 451; Shimon X., 282-321; Xaxamov Yo., 37].

ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, етук маърифатпарварларнинг фаолияти ўртаосиёлик яҳудийларни ўзининг миллий-диний тикланишида ҳамда Ўрта Осиёда яҳудийларнинг сақланиб қолишида муҳим аҳамият касб этди.

Яҳудийларнинг кундалик ҳаётини ташкил этишнинг амалда бўлган воситаларидан биттаси ҳукмдорлар томонидан ҳар бир яҳудий жамоасига оқсоқол (наси)нинг тайинланиши бўлган. Бу каби амалиёт Бухоро амирлигида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳар бир яҳудий жамоасининг тепасида умрнинг охиригача сайланадиган калонтарлар – дунёвий раҳбарлар ҳам бўлиб, улар ҳукмдор олдида жамоанинг вакили вазифасини бажарган. Жамоанинг асосий суд инстанцияси сифатида бет-дин бўлса, галахага мурожаат қилмасдан ҳал қилиниши мумкин бўлган кундалик ёки майда жиноий ишлар калонтарлар томонидан кўриб чиқилган. Калонтар ва унинг ёрдамчилари доимий ойлик маош олмаганлар. Бироқ, даъволарни кўриб чиқиб ҳал қилгандан сўнг, унга мукофот берилган. Уларнинг энг муҳим вазифаларидан яна бири жизя солиғини йиғиш бўлиб, Бухородаги яҳудийларнинг диний ишлари муллои калон (бош раввин) томонидан олиб борилган. Унинг раҳбарлигида еттита синагога, хомло (13 ёшгача бўлган ўғил болалар учун бошланғич диний таълим даргоҳи) ҳамда иешива фаолият юритган. Шунингдек, у бет-дин ишларини ҳам назорат қилиб, кашрутга амал қилишни назорат қилган. Қисқа қилиб айтганда, калонтарлар хонликдаги барча яҳудийларнинг дунёвий раҳбари бўлса, муллои калон эса, диний бошқарувчиси бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. Amitin-Shapiro Z (A). Ocherk pravovogo bita sreneaziatskix yevreev. –Tashkent-Samarkand: Uzbekskoe gosudarstvennoe izd-vo, 1931.
2. Amitin-Shapiro Z (B). Sredneaziatskie yevrei posle Velikoy Oktyabrskoy sotsiologicheskoy revolyutsii // Sovetskaya etnografiya. 1938. №1.
3. Datxaev Yu. O buxarskix yevreev / Kratkie ocherki / Dushanbe, 1992.
4. Durmus A. Buhara yahudileri. –Ankara. Kitabci, 2005.
5. Gitlin S. Istoricheskie sudbi evreev Sredney Azii. Tel-Aviv. “Media-Gal”, 2008.
6. Godes Ya. U buxarskix yevreev // Yevreyskaya nedelya. 05.07.1915. №7.
7. Kaganovitch A (A). Druzya ponevole: Rossiya I buxarskie yevrei, 1800-917. –M.: Novoe literaturnoe obozrenie, 2016.
8. Kaganovitch A (B). The Education of Bukharan Jews in Turkistan Province 1865-1917 // Irano-Judaica. 2003. Vol. 5.
9. Kalontarov Ya. Sredneaziatskie yevrei // Narodi mira: Narodi Sredney Azii I kazxstana / Red. S.Tolstov. M.: Akademiya nauk SSSR, 1963. T. 2.
10. Karimov, J. (2020). The formation of Jewish diaspora in Central Asia and their social life. The Light of Islam, 2020(2), 124-130.
11. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371
12. Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşî’nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071.
13. Rabich R. Yusuf Ben Moshe Maman – prosvetitel buxarskix yevreev /Yevreskiy istoricheskiy almanax. №3. M., 1989-5749.
14. Shalomaev A. Moi vospominaniya o jizni buxarskix yevreev v Uzbekistane: Tel-Aviv, 2000.
15. Shimon X. Otrivki iz proizvedeniy Sostavitel A.Shlomayev. Tel-Aviv.
16. Slousch N. Les Juifs a Boukhara // Revue du Monde Musulman. 1909. No. 7.
17. Tadjir N. Istoriya buxarskix yevreev. Tel-Aviv, 1967.
18. Uzbekiston MDA. F. 19. R. 1. I. 8847. V. 138, 140, 142.
19. Uzbekiston MDA. F17. R 1. I. 11138. V. 1-4.
20. Xaxamov Yo. Prikosnovenie k velikomu predku /K 162-y godovshine so dnya rojdeniya Shimona Xaxamova. «Shalom», 2006, mart, №2.
21. Yevreyskaya-ensiklopedia. –SPb. Brokgauz-Efron, 1910. T.5.
22. Yevreyskaya-ensiklopedia. –SPb. Brokgauz-Efron, 1910. T.15.
23. Zand M. Bukhara Jews. Encyclopedia Iranica. Vol.IV. Fac.5. London, 1989.